
Биометрик паспортга эга абитуриентлар ID-карта олишлари шарт эмас

Бу бўйича қуйидагилар маълум қилинади:

жорий йилда ҳам олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовлари учун абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш my.dtm.uz сайти орқали онлайн тарзда амалга оширилади;

рўйхатга олишда абитуриентларнинг расми ва паспорт маълумотлари Давлат персоналлаштириш марказидан онлайн режимда олинади;

бунинг учун абитуриентда биометрик паспорт ёки ID-карта бўлиши лозим;

бунда биометрик паспортга эга бўлган абитуриентлар ID-карта олишлари шарт эмас;

абитуриентлар биометрик паспорт билан ҳам my.dtm.uz сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтишлари мумкин.

2022-05-12 09:32:20